
ҲОКИМ ТАШАББУСИ БИЛАН ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАГА 2 ХОНАЛИ УЙ ҚУРИБ БЕРИЛМОҚДА

Марғилон шаҳар 1-сектор ҳудудидаги "Шолдирама" маҳалла фуқаролар йиғинида "Темир дафтар"да рўйхатда турувчи Рўзихон Муҳаммадаминовна оила аъзолари билан тамирталаб холдаги бир хонали уйда истиқомад қилиб келаётган эди.

Боқувчисини йўқотган, даромадга эга бўлмаган аёлга яқиндан кўмак кўрсатилиб сектор раҳбари, шаҳар ҳокими А.Зиявитдинов ташаббуси билан ҳомийлик маблағлари ҳисобидан барча шароитларга эга замонавий 2 хонали уй қуриб берилмоқда.

Кўрсатилаётган ушбу ғамхўрлик ва юксак эътибордан хонадон аъзоларининг боши кўкка етди.

2023-06-06 15:49:30